

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 1 октябрь, № 191 (5106) Жума




1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

# УСТОЗЛАР ФИДОЙИЛИГИ – ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ

***Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида таълим соҳасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар туфайли ўқитувчи ва мураббийларимизга беқиёс эъзозу эҳтиром кўрсатилмоқда. Мана, бир неча йилдирки, 1 октябрь Ўқитувчи ва мураббийлар куни сифатида нишонланмоқда. Зеро, бу кун маърифатпарвар халқимиз, фарзанд камолини кўришдек эзгу ниятни дилига туккан ота-оналар, илмга ташна ёшларимиз учун чинакам шодиёнадир. Меҳридарё устозларни ардоқлаш, уларга эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг азалий ва айни чоғда истиқлол йилларида янгича мазмун-моҳият касб этган қадриятларидандир.***



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг куни кеча байрам муносабати билан Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган табригидаги мана бу сўзлар ғоят аҳамиятли ва қадрлидир: "Барчамизга аёнки, бугун ҳаёт шиддат билан ўзгариб, ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун турли интилиш ва ҳаракатлар тобора кучайиб бормоқда. Ана шундай мураккаб бир вазиятда миллий ўзлигини, кимнинг, қандай буюк зотларнинг вориси эканини, Ватан туйғусини чуқур англайдиган, иродаси мустаҳкам, юксак маънавиятли ёш авлодгина бизга ёт ва бегона бўлган зарарли таъсир ва оқимларга қарши тура олади. Фарзандларимизни ана шундай эзгу фазилатлар руҳида тарбиялашда менинг энг яқин маслакдошим, кўмакчим ва суянчим бўлган сиз, муҳтарам муаллим ва мураббийлар ўзингизнинг билим ва тажрибангизни, куч-ғайрат ва маҳоратингизни аямайсиз, деб ишонаман".

Мустақиллик йилларида таълим соҳасига изчиллик билан татбиқ этилган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурлари юртимизнинг барча гўшаларида жаҳон андозалари даражасида таълим даргоҳларини барпо этиш, мавжудларини реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, жиҳозлар, компьютер техникаси билан таъминлаш имконини берди.

(Давоми 2-бетда).

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида сўзлаган нутқи жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотмоқда. Давлатимиз раҳбари Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, хавфсизликни таъминлаш, экологик муаммоларни ҳал этиш бўйича ҳар томонлама асосланган амалий таклифларни илгари сурди, мамлакатимизни ривожлантириш ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларнинг моҳияти ва бераётган улкан самараларини очиб берди.***

**Анита НИРОДИ:**

# ЎЗБЕКИСТОНДА МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА ИЗЧИЛ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

*БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Анита НИРОДИ Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш борасида мамлакатимизда қўлга киритилаётган ютуқларни юксак баҳолади:*

— Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон билан кўп йиллардан буён самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда ва мамлакатингизда Мингйиллик мақсадларига эришишга нечоғли катта эътибор берилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Ишончим комилки, Президент Ислом Каримовнинг яқинда БМТ бош қароргоҳида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишлаб ўтказилган саммитдаги иштироки ушбу йўналишдаги ишларни янада фаоллаштиришда муҳим омил бўлади.

Мунособат

Ўзбекистонда Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида юқори даражада барқарор иқтисодий ўсиш ва ижтимоий соҳада, жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги дастурларнинг самарали амалга оширилиши туфайли изчил ривожланиш кузатилмоқда.

Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ўз вақтида қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури ва кўрилган тегишли чора-тадбирлар глобал иқтисодий инқирознинг Ўзбекистонга таъсирини юмшатишда муҳим омил бўлди. Бу Ўзбекистонга Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидан қатъият билан бориш ва бу борадаги кенг кўламли ишларни самарали давом эттириш имконини берди.

Ўзбекистонда икки вазифа муваффақиятли бажарилди — бошланғич ва ўрта таълим тизимида гендер тенглигига, оналар ўлимини учдан бир бараварга қисқартиришга эришилди. Шу билан бирга, болалар ўлимини камайтириш ва умумий бошланғич таълимга эришишга оид мақсадлар бўйича ҳам яхши натижалар қўлга киритилмоқда. Мингйиллик ривожланиш мақсадларига доир бошқа вазифаларни бажариш учун самарали миллий сиёсат ва миллий дастурлар ижросини изчил давом эттириш, статистика маълумотларини тўплаш ҳамда уларни таҳлил қилиш ишларини янада такомиллаштириш тақозо этилади.

БМТ Ўзбекистоннинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш борасидаги саъй-ҳаракатларини маслаҳатлар бериш, дастурий ва техник кўмаклашиш орқали қўллаб-қувватламоқда. Бу борадаги ҳамкорлик Ривожланиш мақсадида кўмаклашиш бўйича 2010 — 2015 йилларга мўлжалланган ҳадли дастурга (UNDAF) мувофиқ амалга оширилмоқда. Ушбу дастурда ўзаро ҳамкорликнинг тўртта асосий йўналиши белгиланган. Булардан биринчиси — иқтисодий фаровонликни янада оширишга кўмаклашиш, иккинчиси — таълим, соғлиқни сақлаш, овқатланиш, шунингдек, ОИВ-инфекцияси тарқалиши ва гиёҳвандликнинг олдини олиш,

(Давоми 2-бетда).

***Шу кунларда жаҳон саноатчилари Тошкент томон ошиқмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Бу бежиз эмас, албатта.***

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА МАТБААЧИЛИК

Кўргазма

Аввало, иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланаётгани ва хорижлик инвесторлар фаолият кўрсатиши учун қулай муҳит яратилгани туфайли улар мамлакатимиз ишбилармонлари билан ҳамкорлик қилиш пайидан бўлишмоқда. Бу жараёнда анъанавий ўтказилаётган ихтисослаштирилган халқаро кўргазмалар томонларни бир-бирига боғловчи ришта вазифасини ўтаётир. Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида иш бошлаган, нашриёт-полиграфия саноатининг бир неча йўналишларини қамраган халқаро тадбир ҳам бунинг яққол исботидир.

Гап шундаки, "Матбаачилик,ноширлик, канцтоварлар — O`ZBEKinPRINT — 2010", "Идиш, жойлаш, этикетка — O`ZUPACK — 2010" "Реклама, дизайн, фото — O`ZREKLAMA — 2010" халқаро кўргазмаларида юртимиз ҳамда чет элнинг 80 дан зиёд компаниялари ўзларининг юқори унумли маҳсулотлари ва тезкор хизматлари билан қатнашмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# МУСАФФО ТАБИАТ – СОҒЛОМ ҲАЁТ ГАРОВИ

***Мамлакатимизда нафақат Ўзбекистон, балки минтақадаги табиий муҳитни асраб-авайлаш ва экологик муаммоларни бартараф этиш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг нуфузли минбарлардан туриб, минтақадаги хавфли экологик муаммо — Орол фожиасига дунё ҳамжамияти эътиборини қаратиб келаётгани ҳам шундан далолат бериб турибди.***

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

Хусусан, Юртбошимиз БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, экологияни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитни асраб-авайлаш ҳозирги аномал табиий ўзгаришлар шароитида катта аҳамиятга эга. Зеро, Орол фожиаси экология муаммосига масъулиятсиз муносабатда бўлишнинг яққол мисолидир. Бир пайтлар ноёб ва гўзал денгизлардан бири бўлган Орол бир авлод ҳаёти давомида деярли қуриб, йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланди.

Дарҳақиқат, сўнгги қирқ йилликда Орол денгизининг акваторияси 7 баробар, сувнинг ҳажми эса 13 марта камайди. Боз устига, Оролнинг Амударё ва Сирдарё суви ҳисобига таъминланиши, бу сув манбаларидан айрим қўшни давлатларнинг ноокилона фойдаланаётганлигини ҳисобга олиб айтсак, шусиз ҳам мураккаб аҳволдаги экологик барқарорликка жиддий путур етказиши ўз-ўзидан тушунарлидир. Буни денгиздан бўшаб қолган майдонлардан ҳавога кўтарилаётган минглаб тонна туз-қум аралаш чанг тўзонлари юзлаб километрга тарқалаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Бундай омиллар эса, ўз навбатида, Оролбўйида санитар ва экологик вазият ёмонлашувига, чўллашиш жараёнлари жадаллашиб, суғориладиган ерлар қисқаришига, юқумли касалликлар кўпайишига, ичимлик сувининг минераллашувига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг кескин камайишига олиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# ЁШ ТЕЛЕЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН СЕМИНАР

***"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида пойтахтимизда ёшларга мўлжалланган теледастурларни тасвирга олиш ва видеомонтаж қилишнинг замонавий услубларини жорий этишга бағишланган семинар-тренинг бошланди.***

Тадбир

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Журналистлар ижодий уюшмаси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, ЕХҲТнинг юртимиздаги лойиҳалари координатори ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу семинарда ҳудудий нодавлат телестанциялар, NTT ва "TV Markaz" телеканалларининг ёшларга мўлжалланган ахборот ва янгиликлар дастурларини тайёрловчи журналистлари, телеоператор ва видеомонтаж усталари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Ғуломов, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф. Абдухолиқов, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази бошқаруви раиси Қ. Бекназаров Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ





Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***АНДИЖОН. Хонободдаги "Инком-тарандубитель" корхонаси техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлангач, ишлаб чиқариш ҳажми кескин ортиб, маҳсулот сифати яхшиланди.***

## Экспорт салоҳияти ортмоқда

Жамоа жорий йилнинг ўтган даврида нефтни қайта ишловчиларга 238 миллион 600 минг сўмлик ноёб сумах ва таран экстракти етказиб берди. 210 миллион сўмлик маҳсулот эса экспорт қилинди.

Вилоятда янги корхоналарни ташкил этиш, мавжудлари фаолиятини кенгайтириш ҳисобига йил бошидан буён 1204 та иш ўрни яратилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Сув таъминоти яхшиланди

***ХОРАЗМ вилоятида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Жорий йилнинг ўтган даврида воҳадаги 23 та аҳоли пунктида ана шу мақсадда 56 километр узунликдаги янги қувурлар тортилди. Бундан ташқари, 12 та қишлоқдаги 38 километрлик қувурлар янгиланди. Ушбу саъй-ҳаракатлар учун 2 миллиард 900 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Бўш иш ўринлари ярмаркаси

***САМАРҚАНД. Ургут туманида "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида навбатдаги меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди.***

Туман ҳокимлиги, прокуратураси ҳамда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда ҳудуддаги 162 та корхона ва ташкилот 387 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Тадбир якунида 250 кишига мутхассислиги бўйича ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди.

Таъкидлаш керакки, шу йилнинг ўтган даврида тумандаги касб-ҳунар коллежларини битирган 4 мингдан зиёд йигит-қизнинг 2 минг 500 нафари меҳнат ярмаркалари орқали ишга жойлашди.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Олти миллиард сўмлик кредит

***НАВОИЙ. "Ипак йўли" банкининг Навоий филиали жорий йилнинг ўтган саккиз ойида вилоят тадбиркорларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида олти миллиард сўмлик кредит ажратди.***

Жумладан, Мухтор Ҳамиятовга "Кармана ёғ-мой" МЧЖни модернизациялаш учун 300 миллион сўм маблағ ажратилди. Тадбиркор мазкур сармоя ҳисобига хориждан ёғ тозаловчи технологияни харид қилиб, ишга туширди. Натижада бу ерда тайёрланаётган маҳсулот сифати яхшиланиб, ўнлаб иш ўринлари яратилди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ЯНАДА РАВОН БЎЛМОҚДА

***Жорий йилнинг биринчи ярмида республикамизда автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда Ўзбекистон миллий автомагистрали участкаларини барпо этиш ва таъмирлаш, шу мақсадда техникаларни харид қилиш учун***

**190,6** миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди.

Республикамизнинг барча ҳудудида замонавий транспорт-коммуникация тизимини жорий этиш мақсадида зарур чора-тадбирлар амалга оширилгани туфайли соҳада ана шундай ижобий натижага эришилди.



# УСТОЗЛАР ФИДОЙИЛИГИ – ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таълимда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар уни сифат ва мазмун жиҳатдан янада юксалтириш, янги, бундан-да юқори поғонага олиб чиқиш билан бевосита боғлиқдир. Бу масъулиятли жараёнда эса ўқитувчиларнинг касб маҳорати, билимини ошириш ғоят катта аҳамиятга эга. Шу боис таълим тизимининг барча бўғинида олиб борилаётган ислоҳотларда мактабгача, умумий, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим тизими педагог кадрларининг меҳнатини қадрлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, касбий маҳоратини янада оширишдек долзарб масала давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида.

Бундай эътибор ва ғамхўрлик амалда ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Айни пайтда таълим-тарбия сифатини ошириш педагоглар меҳнатини рағбатлантиришнинг янги, самарали механизмини жорий этишда, ёшларга билим бериш ва маънавиятини юксалтиришда, иқтисодиёт тармоқлари учун малакали мутахассислар тайёрлашда ўқитувчиларнинг масъулиятини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидланганидек: "...Келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ".

— Истиқлол бизга беқиёс имкониятлар яратди, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Қорақалпоғистон Республикаси, Шуманай туманидаги 2-мактабнинг математика ва информатика фани ўқитувчиси Қирмизи Омирзакова. — Ҳар қадамда, ҳар масканда халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятига гувоҳ бўлаяпмиз. Бу янгиланишларни эндиликда Оролбўйининг барча ҳудудида ҳам кўриш мумкин.

Маълумки, ўқитувчилик ва мураббийликнинг шарафланиши замирида таълим самарадорлигини юксалтириш, ўқувчиларда юқори салоҳият соҳибларини кўриш ва давлат таълим стандартлари талаблари ижросини таъминлаш мақсади мужассамдир. Ушбу эзгу ниятни амалга ошириш борасида Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида белгиланган йўналишлар бўйича беқиёс ўзгаришларга эришилди. Мактабларимиз нафақат ташқи кўриниши, шу билан бирга, ички жиҳати билан ҳам мукаммалликка эришди. Яъни сифатли мебель ва техник жиҳозлар ўқувчининг етарли билим олиши учун асқотмоқда.

Президентимизнинг "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини яратиш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида"ги қарорига биноан, умумтаълим муассасаларида Директор жамғармаси ташкил этилган. Мазкур жамғарма ҳисобидан илғор педагогик технология асосида таълим бераётган, синфдан ташқари ва мактабдан ташқари машғулотларни фаол олиб бораётган, таълим-тарбия ишида жонбозлик кўрсатаётган ўқитувчиларга қўшимча ҳақ тўлаб келинмоқда. Бу усул таълим тизимида янги эканлигини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Зотан, истиқлол йилларида таълимни ривожлантиришга давлатимизнинг салмоқли маблағи сарфланмоқда.

Фарзандлар — эртанги кунимизнинг ворислари. Шунинг учун ҳам уларнинг тарбиясига масъулият билан қараш мамлакатимизда устувор вазифага айланган. Эзгуликни кўзда тутган бундай ислоҳотлар, оммалашаётган тажрибалар бугунги кунда халқаро фан олимпиадаларида, нуфузли спорт мусобақаларида ўқувчи ва талаба ёшлар эришаётган муваффақиятлар тимсолида ўзининг юксак самарасини кўрсатаётганлиги ҳар биримизга қувонч бахш этиб, қалбимизни ифтихорга тўлдирмоқда.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Ҳакимжон СОЛИҲОВ олган сурат.

**Анита НИРОДИ:**

# ЎЗБЕКИСТОНДА МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА ИЗЧИЛ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг соғлом ривожланишини ўз ичига оладиган ижтимоий хизматлар кўрсатишдан иборат. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жумладан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил ишларга барқарор ривожланиш тамойилларини жорий этиш ва бошқарув самарадорлигини янада ошириш ҳамкорликнинг кейинги йўналишларидандир. Ҳадли дастурда Мингйиллик ривожланиш мақсадлари, шунингдек, Мингйиллик декларацияси, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро конференциялар ва конвенцияларнинг тамойиллари ўз ифодасини топган. БМТнинг мамлакатингизда фаолият юритаётган ташкилотлари Ўзбекистон Республикасини Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш борасида бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайверади.

**ЎзА мухбири**
**Нодира МАНЗУРОВА**
**ёзиб олди.**

# МУСАФФО ТАБИАТ – СОҒЛОМ ҲАЁТ ГАРОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлик гуруҳи, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза этиш масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган "Марказий Осиёнинг экологик муаммолари" мавзуидаги семинарда ушбу масалалар муҳокама этилди. Айни чоғда Марказий Осиёда трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш, Орол денгизи ҳавзасининг сув ресурсларини ҳамкорликда бошқаришда халқаро ҳуқуқий нормаларга қатъий амал қилиш ва ушбу масалага бутун минтақанинг ҳаёт-мамот масаласи сифатида ёндашиш кераклигига ҳам алоҳида урғу берилди.

Албатта, бундай мураккаб масалани осонлик билан ҳал этиш қийин. Бунинг учун, аввало, жамоатчиликни жалб этган ҳолда, тушунтириш ва ўқитиш ишларини йўлга қўйиш, трансчегаравий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича биргаликдаги бошқарувни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Қолаверса, Амударё ва Сирдарёнинг ирмоқларида ГЭС ва бошқа гидротехник объект ҳамда иншоотлар қуриш лойиҳалари бўйича халқаро экологик экспертизаларни ўтказишни тезлаштириш ва бунда қўшни мамлакатлар манфаатларини инобатга олиш зарур. Буни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Зеро, шунда трансчегаравий сувни муҳофазалаш, сув ифлосланишига йўл қўймаслик ва унинг сифатини мунтазам назорат қилиш, минтақавий экологик таҳдидларга қарши самарали курашиш ва халқаро ҳуқуқий нормаларга тўлиқ риоя этиш мумкин бўлади.

Тадбирда ушбу масалада икки дарё оқимида жойлашган барча мамлакатлар манфаатларидан келиб чиқиб, оқилона минтақавий ёндашувга эришиш, экологик омилларнинг аҳоли соғлиғига салбий таъсирини камайтириш учун Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар ҳам билдирилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ.**

*— Умр елдек ўтиб кетар экан. Кўз очиб юмгунча, бир юз икки ёшни уриб қўйибман. Шукрки, бугун армоним йўқ, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги Шофайзи маҳалласида яшовчи Деҳқонбой бобо Гулматов. — Чунки истиқлолни кўриш, шундай озод ва обод юртда яшаш менга насиб этди. Бугун биз кексалар эл ардоғидамиз. Бунинг учун Юртбошимизга мингдан-минг раҳмат.*

# РОҲАТ ВА ФАРОҒАТЛИ УМР ФАЙЗИ

**Шукрона**

Фарзандлари, невара, эвараларию чеваралари отахоннинг фахрига айланган. Ҳаммаси ували-жували, ҳаётидан мамнун, турмуши фаровон.

— Бундай шукуҳли кунлардан қувонмай бўладими? — дея гапида давом этади бобо. — Тошкент ҳам кўз ўнгимда яшариб бораётгандек. Пойтахтимизнинг йилдан-йилга чирой очаётгани, кўркам бинолар қад ростлаётганидан биз хурсанд бўлмай, ким хурсанд бўлсин?!

Эсимда, шафқатсиз очарчилик йилларида ейишга бир бурда нон топишнинг ўзи ҳаёт-мамот масаласи эди. Инсон қадру қиммати иккинчи даражали эди. Етарли шароитларга эга мактабларда ўқиш тугул, саводли бўлиш ҳақида орзу қила олмасдик. Хуллас, орзуларнинг ўзи йўқ эди... Бундай воқеаларни эслашнинг ўзи оғир.

Бугун дўконларимиз, бозорларимиз тўкин-сочин. Кўриб, кўзинг қувнайди.

Кўпчилик кексаликни кузга ўхшатади.

— Менда эса ундай эмас, — дея ўз фикрида давом этади Деҳқонбой бобо. — Ёшим асрдан ошган бўлса-да, Мустақиллик гўё ҳаётимга кўклам олиб келди. Ҳозир умримнинг баҳори, деб ҳисоблайман.

Роҳатда яшаяпман. Фарзандларим ҳаётда ўз ўринларини топишган. Эвараларим замонавий мактаблар, лицей, институтларда ўқишаяпти. Улардан "Бобожон, бугун алифбедан "5" олдим", "Карра жадвалини шариллатиб ёдлаб бердим", "Имтиҳонни зўр топширдим", деган гапларни эшитишнинг ўзи бахт.

Бобо маҳалла гузарига чиқиб, ёш авлоднинг муваффақиятларидан сўзлашни ҳеч канда қилмайди.

— Буни қарангки, чойхонадагилар ҳам бу борада мендан кам эмасликларини кўрсатишади. Бир пиёла чой устида болаликнинг аччиқ даврларини эслаймиз, бугунги кун билан таққослаймиз. Озод ва обод юртимиз ютуқлари ҳақида гап кетганда, чой ҳам асалдек ширин ўтади.

Деҳқонбой бобо Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида давлатимизнинг юксак мукофоти — "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

— Бундан бир қувондим, бир қувондим. Ўзимга сиғмадим. Кўзларимга жиққа ёш келди.

Кейин дарров гузарга бориб, бир мақтанайин дедим. Улгурмадим. Ҳамма дўсту укаларимиз аллақачон хабардор бўлишган экан. "Табриклаймиз отахон!", "Қутлуғ бўлсин!", "Муборак, муборак!" деган гапларни эшитиб, ийиб кетдим. Шунда чойхоначи укамга "Қани, бир чойхонача паловга уннаб юбор. Ҳа, унгача новвот чой дамла!" деб юборганимни билмай қолибман.

Отахоннинг юзида нур, не-не суронли йилларга гувоҳ бўлиб, хира тортган кўзларида шукроналик нури таралади.

— Ёшимиз анчага бориб қолган бўлса-да, бундай катта эътибордан беғубор болалардек қувонамиз. Орзуларимиз ортиғи билан амалга ошган дориламон кунларимиздан айланай. Президентимиз эътибори оғушида қарилик гаштини сураётганимдан бахтиёрман.

Деҳқонбой бобо каби умр баҳорида яшаётган кексаларимиз жуда кўп. Уларнинг барчаси ҳар доим "Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, бахтимизга Юртбошимиз соғ-омон бўлсин", дея дуога қўл очадилар. Самимий ва чин дилдан қилинган бундай тилаклар эса, албатта, ижобат бўлади.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА МАТБААЧИЛИК




(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбирнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда матбаачиликни ривожлантиришга, ички бозорни сифатли полиграфия маҳсулотлари билан тўлдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда кейинги йилларда мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари қайта жиҳозланди, кўплаб замонавий корхоналар ишга туширилди. Айни пайтда мазкур тармоқда 1400 га яқин корхона самарали фаолият кўрсатаётгани соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг юксак натижасидан далолат бераётир.

Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, ушбу кўргазмалар бежизга бир пайтда ўтказилаётгани йўқ. Сабаби, улар мавзу жиҳатидан бири-бирини тўлдиради, энг муҳими, тармоқлараро кооперацияга киришиш учун муносиб шароит юзага келади. Унинг биринчи кунида ҳам кўплаб келишув ва битимларга эришилгани бунинг ёрқин далилидир.

Кўргазма залларида энг замонавий матбаачилик технологиялари, ихчам полиграфия асбоб-ускуналари, шунингдек, нашриёт ва реклама иши учун зарур жиҳозлар намойиш этилмоқда. Уларнинг аксарияти қоғозни тежаши, юқори самарадорлиги ва қўл меҳнатига эҳтиёжнинг камлиги билан иштирокчиларнинг эътиборини тортмоқда.

Экспертларнинг хулосасига кўра, маҳсулотларнинг харидоргир бўлишида унинг бежирим қадоқланиши ҳамда ёрлиғининг кўркамлиги муҳим аҳамиятга эга. Марказий Осиё мамлакатларида масаланинг бу жиҳатига ҳар доим ҳам керагича эътибор қаратилавермайди. Бундай ҳол эса гоҳо рақобат муҳитида панд беради. Шу боис юртимизда товар ва маҳсулотларни сифатли ўраш, ташқи дизайни ҳамда кўринишини яхшилаш бўйича изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бу борада тизимга хорижнинг илғор ютуқлари ва замонавий технологиялари татбиқ этилаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Умуман олганда, кўргазмаларга ташриф буюрган кишилар нашриёт-полиграфия саноати ютуқлари билан яқиндан танишиш баробарида, барча турдаги асбоб-ускуналар, замонавий технологиялар орасидан ўзларига маъқулини саралаб, танлаб олишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилган.

Бу халқаро тадбирларнинг юқори савияда ўтишига, келишув ва битимларга бой бўлишига хизмат қилиши билан янада аҳамиятлидир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

# ЁШ ТЕЛЕЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН СЕМИНАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу йўналишдаги кенг кўламли ишларда нодавлат оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳа учун юқори малакага эга журналист ва техник кадрларни тайёрлашга оид амалий чора-тадбирлар муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бир қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда нодавлат телерадиостанциялар фаолиятини давр талаби асосида ташкил этиш, ёш журналистлар, техник мутахассисларнинг касб малакаси ва маҳоратини юксалтиришга оид қатор лойиҳа ва дастурларни амалга ошириб келмоқда.

— Тележурналистларнинг касб маҳоратини муттасил ошириб бориш долзарб аҳамиятга эга, — дейди Париж университетининг медиа-тренинг ва рақамли телевизион жиҳозлар бўйича ўқитувчиси, телережиссёр ва оператор Саймон Росс. — Шу маънода, мазкур ўқув семинари ёш телемухбирлар, операторлар, видеомонтаж усталарида ягона ижодий жамоа бўлиб ишлаш кўникмаларини шакллантириш, уларнинг билимини кенгайтириш ва ёшларга мўлжалланган информацион дастурларнинг савиясини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўн кун давом этадиган семинарда ахборот ва янгиликлар дастурини тайёрлаш бўйича жаҳон тажрибаси таҳлил этилади, турли жанрлар ва йўналишлар бўйича телематериаллар тайёрланади.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**Сармоявий лойиҳалар самараси**

***Гулистондаги "Соҳил уммон барака" корхонасида қум ва тошга қайта ишлов берадиган янги технологик линия ишга туширилди.***

Қиймати 399,4 минг АҚШ долларилик ушбу лойиҳа "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг вилоят филиали томонидан тўлиқ молиялаштирилди. Натижада корхонада замонавий технология ёрдамида йилига 215 миллион сўмлик қурилиш хом ашёси тайёрлаш имконияти яратилди.

Таъкидлаш керакки, вилоятдаги тижорат банклари томонидан шу йилнинг ўтган саккиз ойи давомида умумий қиймати 498,2 минг АҚШ долларилик 4 та ҳамда 136,1 минг евролик битта сармоявий лойиҳалар амалга оширилди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***1 октябрь жаҳон миқёсида Халқаро қариялар куни сифатида кенг нишонланади. Ватанимизда ҳам кексаларга эътибор ва меҳр-эҳтиром давлат сиёсати даражасидадир. Зеро, Президентимиз раҳнамолигида нуронийларимиз доимо юксак даражаларда эъзозланиб, уларнинг турмуши ва соғлиғини яхшилаш бўйича давлат миқёсида кўрилаётган чора-тадбирларни такомиллаштириб боришга муттасил равишда катта диққат-эътибор кўрсатиб келинмоқда.***

# ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗ ОҒУШИДА

**1 октябрь — Халқаро қариялар куни**

Бирон бир давлатнинг тажрибасида ва амалиётида "Қарияларни қадрлаш йили" каби эзгу инсонпарварлик тадбирини учратмаймиз. Ўзбекистонда эса мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан 2002 йил айнан шундай ном билан аталиб, унга мувофиқ, кенг қамровли Давлат дастури қабул қилинди ва унинг ижроси учун давлат бюджетидан ҳамда ҳомийлар ҳисобидан неча миллиард сўмлаб маблағлар ажратилди. Худди шу йили қарияларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қонунлар ва ҳукумат қарорлари амалиётга жорий этилди. Шунингдек, кексаларимизга тиббий, санатория-курорт, коммунал-маиший ва транспорт хизматлари кўрсатишни янада яхшилаш бўйича давлат миқёсида кўпгина чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу ўринда яна бир муҳим воқеани айтмасдан ўтиб бўлмайди: мамлакатимиз аҳолисининг ўртача умр кўриш даражаси сўнгги 20 йил мобайнида 67 ёшдан 73 ёшга кўтарилди. Демак, халқимизнинг соғлиғи тобора яхшиланиб, умри узаймоқда ва қариликнинг чегаралари чекинмоқда. Бу — мамлакатимизда мавжуд тинч, осойишта ва сурурли, гаштли ҳаётнинг, шунингдек, тиббиёт соҳасидаги ислоҳотларимизнинг ғоятда қувонарли амалий самарасидир.

Бугунги кунда юртимизда истиқомат қилаётган 2,8 млн.дан зиёд фахрийлар орасида 10 минг нафардан ортиқ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, 150 мингга яқин фронт орти меҳнат фахрийлари, 30 минг нафар якка-ёлғиз ногирон ва пенсионерлар, 2 мингдан зиёд 100 ҳамда ундан юқори ёшдаги нуроний отахон ва онахонлар бор. Улар доимо давлатимиз ва халқимиз эътиборида. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликларининг ҳудудий бўлимлари билан ҳамкорликда кексаларимизнинг ўз вақтида тўлиқ диспансер кўригидан ўтказилиши таъминланмоқда. Вилоят шифохоналарида "Нуроний" жамғармасининг вилоят бўлимлари ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг амалий ёрдами туфайли ташкил этилган кексаларни ва ногиронларни бепул даволовчи "Нуронийлар хоналари" фаолият кўрсатаяпти.

Шунингдек, мамлакатда 8 минг нафар ёлғиз пенсионер ва ногирон яшаб турган 30 дан зиёд Саховат ва Мурувват уйларининг моддий-техника базаси сўнгги йилларда тубдан яхшиланди. Бу уйларда қарияларга маданий-маиший ва тиббий хизмат кўрсатиш энг замонавий даражаларда йўлга қўйилган.

Кейинги йилларда мамлакатимиз ҳар жиҳатдан ободонлашиб, шаҳарларимиз ва қишлоқларимиз тобора гўзаллашиб, юртимизда тарихий ва маънавий табаррук манзилгоҳлар кўпаймоқда. Шу боисдан, пойтахтда, вилоятларда нуронийларимизнинг ватанимиз бўйлаб саёҳатлари мунтазам равишда уюштирилаяпти. Ва бу саёҳатлар қарияларимизда катта таассуротлар қолдириб, уларга руҳий бардамлик, хушнуд кайфият бахш этмоқда. Бундай тадбирларни ташкил этишда маҳаллий ҳокимликлар ҳамда маҳалла бошқарувлари ташаббускор бўлмоқдалар.

Юртбошимиз маърузаларидан бирида шундай деган эди:

"...табиат қонуни шундайки, ойлар, йиллар ўтиши билан одам балоғат, жисмоний камолот даврларидан ўтиб, кексалик палласига қадам қўяди. Шундай пайтда у, аввало, ўз оиласи, фарзандларининг, керак бўлса, маҳалла-кўй, жамиятнинг эътибори ва кўмагига кўпроқ муҳтожлик сезади.

Шунинг учун биз бугунги камолимизда, ҳаёт йўлларида эришаётган ютуқларимизда ота-оналаримиз, мўътабар қарияларимизнинг беқиёс хизмати борлигини унутмаслигимиз, уларнинг оғирини енгил, ҳаётини фаровон қилишга интилишимиз даркор".

**Президентимизнинг чуқур инсонпарварликка йўғрилган бундай қарашлари, мана, 19 йилдирки, давлатимизнинг ўз нуронийларига нисбатан юритаётган сиёсатининг бош мазмуни ҳамда моҳиятини ташкил этиб келмоқда.**

**Михли САФАРОВ.**

Эҳтиром

## Муаллимларим

*Сабоғингиз самосига эргаштирар,*
*Чароғингиз зиёсига эргаштирар,*
*Ҳикматингиз дилни дилга туташтирар,*
*Нияти нур, чўлпонимсиз муаллимларим,*
*Камтаринсиз, комронимсиз муаллимларим.*

*Устоз десам осмон менга яқин келар,*
*Қалбим қалқиб қароғимда оққим келар,*
*Бошим узра меҳр отлиғ сабо елар,*
*Сиз онамдек осмонимсиз муаллимларим,*
*Сиз отамдек посбонимсиз муаллимларим.*

*Карвон учун сарбон керак ҳар қадамда,*
*Ҳар ниҳолга боғбон керак бу оламда,*
*Устоз кўрмай юрган шогирд минг аламда,*
*Бўстонимсиз, боғбонимсиз муаллимларим,*
*Дардим бўлса дармонимсиз муаллимларим.*

*Алифбодан бошланса гар адабиёт,*
*Сиз Навоий байтидаги боқий баёт,*
*Ким топмаган сиздан умид, сиздан нажот,*
*Жонимдаги жаҳонимсиз муаллимларим,*
*Довруқлари достонимсиз муаллимларим.*

*Яхши одам эзгуликни қилмас канда,*
*Ғунча гуллар, чинор туплар хуш чаманда,*
*Сиз азизсиз, биз азизмиз бу Ватанда,*
*Авлод қадрин қалқонисиз муаллимларим,*
*Эл орисиз, юрт шонисиз муаллимларим.*

**Маҳмуд ТОИР,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

**Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида миллий қадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли кураш, белбоғли кураш, “турон” яккакураши, улоқ-кўпкари каби миллий спорт турлари халқаро майдонда кенг оммалашиб бормоқда.**

# ШОГИРДЛАР ФАХРИ

Айниқса, ўзбек курашининг халқаро миқёсда ўтказиладиган мусобақалардан мустаҳкам ўрин эгаллаганлиги, ушбу спорт тури бўйича ихлосмандлар сони йилдан-йилга ортиб бораётгани қувонарлидир.

Шу ўринда миллий курашимизни кенг тарғиб қилиш, унинг довруғини оламга ёяётган полвонларни тарбиялаш, қисқача айтганда, юртимиз спортини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган мураббийлар меҳнатини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, уларнинг заҳматли ва фидойи хизматлари боис ёш спортчиларимиз дунёдаги энг нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқдалар. Амударё тумани халқ таълими бўлимига қарашли 2-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси, халқаро тоифадаги ҳакам Чоршам Тожимуродов ана шундай жонкуяр устозлардан бири.

Манғитнинг сертупроқ кўчаларида тенгқурлари билан курашиб ўсган Чоршам спортга болалигидан меҳр қўйди. У илк устози Норбой Сафарбоевдан миллий кураш сирларини ўрганган серғайрат ёшлик даврларини бугун завқ билан эслайди. Курашга қўйган меҳри, интилувчанлиги туфайли кўплаб нуфузли мусобақалар ғолиби бўлди. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабаси бўлган йилларда устози Омон Таймуродовдан кураш сирларини қунт билан ўзлаштирди. Ўшанда миллий спортимизнинг бошқа кураш турларига ўхшамаган қирралари, ҳалоллик ва покликка йўғрилган усуллари уни ўзига ром этганди.

Миллий спортимизнинг жаҳон миқёсида эътироф этилиши, турли миллат вакилларининг ўзбек курашини ўрганишга интилишлари Ч. Тожимуродовга қанот бағишлади. Натижада у тарбиялаган ўнлаб шогирдлар қитъа ва жаҳон чемпиони, деган юксак даражаларга эришди. Ҳозирги кунда Мурод Дўсимбетов, Қудрат Раҳматов, Икром Ёқубов, Ислом Аҳмедов, Зулҳижжа Худоёрова, Умида Матёқубова сингари полвонларнинг номларини нафақат мамлакатимизда, балки хорижий юртларда ҳам яхши билишади.

— Устозим Чоршам ака билан айни пайтда бир жойда ишлаб, ёш полвонларни тарбиялаётганимдан фахрланаман, — дейди кураш бўйича жаҳон чемпиони Зулҳижжа Худоёрова. — У киши машғулотларни доимо сидқидилдан, ҳар бир шогирдининг имкониятига қараб олиб борадилар. Муассасамизда курашни ўрганишни хоҳловчилар сони тобора кўпаяётгани ҳам шундан бўлса керак.

Чоршам Тожимуродов мураббийлик билан бир қаторда кўплаб мусобақаларда ҳакамлик ҳам қилмоқда. Жумладан, Россиянинг Тверь шаҳрида кураш бўйича ёшлар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон биринчилигида, Шаҳрисабз, Нукус шаҳарларидаги турнирларда, Термиз шаҳрида Президентимиз соврини учун ўтказилган халқаро мусобақада, Тошкент шаҳрида ташкиллаштирилган Осиё биринчилигида, шунингдек, “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, Универсиада спорт мусобақаларида унинг ҳакамлик маҳорати кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлди.

— **И**стиқлол йилларида кўплаб соҳалар қатори, юртимиз спорти ҳам кенг ривожланиб бормоқда, — дейди Ч. Тожимуродов, — Айниқса, миллий курашимиз ривожига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги биз каби мураббийларнинг ғайратимизга ғайрат қўшади. Ана шундай имкониятлар боис, шогирдларимдан олти нафари спорт устаси, эллик нафардан зиёди спорт усталигига номзод талабини бажаришди. Эндиги асосий мақсадимиз миллий курашимизни Олимпиада ўйинлари сафига олиб киришдан иборат.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

# Арслон Мусурмонқулов – жаҳон чемпиони!

***Шу йилнинг 21-27 сентябрь кунлари Россиянинг Анапа шаҳрида универсал жанг бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида юртимиз спортчилари ҳеч кимдан кам эмасликларини амалда намойиш этиб, совриндорлар сафидан жой олишди.***

Чемпионатда дунёнинг йигирмадан ортиқ мамлакати вакиллари медаллар учун кураш олиб борди.

Мусобақада сурхондарёлик Арслон Мусурмонқулов (45 кг.) барча рақибларини енгиб, жаҳон чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди. Яна бир вакилимиз Нодир Қодиров чемпионатнинг энг яхши ҳаками, деб эътироф этилди.

# Терма жамоамиз иккинчи ўринда

***Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Латвияда ўтказилган “Golden Score — 2010” халқаро турнирида иккинчи ўринни қўлга киритди.***

Ушбу нуфузли анъанавий турнирда Латвия, Финляндия, Россия, Буюк Британия, Беларусь, Ўзбекистон, Украина ва Канада мамлакати полвонлари медаллар учун кураш олиб борди. Аввалги мусобақалар бир неча вазн тоифасида уюштирилган бўлса, бу сафар жамоавий беллашувларда ғолиблар аниқланди. Ҳар бир мамлакатдан беш нафардан дзюдочи иштирок этди.

Муҳими, Ўзбекистон терма жамоаси полвонлари мусобақада юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Вакилларимиз чорак финалда Беларусь, ярим финалда эса Канада давлати дзюдочиларини 5:0 ҳисобида енгиб, финалга йўлланма олишди. Аммо якуний баҳсда Латвия терма жамоасига имкониятни бой бериб, иккинчи ўрин билан кифояланишди. Учинчи ўрин Россия ва Канада терма жамоаларига насиб этди.

# Гимнастикачиларимиз пешқадамлар сафида

***Чехияда спорт гимнастикаси бўйича жаҳон кубогининг тўққизинчи босқичи бошланди.***

Ҳозиргача ўтказилган саккиз босқич беллашувлари якунига кўра, икки нафар спортчимиз жаҳон рейтингида пешқадамлар сафида бормоқда. Жумладан, Пекин Олимпиадаси совриндори Антон Фокин ва Луиза Галиулина турли йўналишларда машқ бажаришда учинчи ўринда қайд этилган.

**У. ҲАКИМЖОНОВ тайёрлади.**


XALQ BANKI ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ



*жамоаси юртимиздаги барча устозларни 1 октябрь умумхалқ байрами —*
*Ўқитувчи ва мураббийлар куни*
*билан самимий муборакбод этади!*

*Баркамол авлод тарбияси йўлида уларга мустаҳкам соғлиқ тилайди.*

*Байрам кунлари сиз учун манфаатли шартларга асосланган, янги «Умид» омонатини таклиф этади.*

**Омонатга маблағлар 15 ой муддатга қабул қилиниб, фоиз даромадлари ҳар ой ҳисобланади ва омонат қолдиғига қўшиб борилади. Омонат бўйича ҳисобланган фоиз даромадлари мижознинг биринчи талаби бўйича берилиши таъминланади.**

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

*Аҳоли омонатларининг дахлсизлиги давлат томонидан кафолатланган!*

Маълумот учун тел.: (8-371) 150-12-91. Интернет-сайт: www.halkbank.uz

931R/264



**Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси**

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Андижон вилояти филиалида**

**бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига** Избоскан тумани суд ижрочилари бўлими томонидан такроран, 2007 йил 2 мартдаги 1-107/07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Избоскан тумани, Лўғумбек қишлоғида жойлашган, Избоскан тумани қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежидаги умумий майдони 295,24 кв.м.дан иборат ошхона биноси қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 118 814 850 сўм.**

***Аукцион савдоси 2010 йил 19 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Андижон вилояти филиали «Асака» банки вилоят бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22622000200571452003, МФО: 00069, СТИР: 200933850.

**Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уй.**
**Телефон: (8-374) 224-48-53.**

Юқоридаги мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

www.rkmb.uz

934R/404

*Лицензия: DB 001 № 000004.*



ХАРИДОРЛАР ВА ТАЪМИНОТЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

UZBEKNEFTEGAZ Shurtan GAS CHEMICAL COMPLEX





**ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ**

**ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни таклиф этади:**

- ***экологик хавфсиз, диаметри 25 мм.дан 630 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлар ва уларни боғловчи деталлар;***
- ***турли рангдаги, қурилишда безак ишлари учун фойдаланиладиган алюмин композит панеллари;***
- ***деҳқончилик билан шуғулланувчи фермерлар учун томчилатиб суғориш тизимининг бутловчи қисмлари.***





*Тўлов шакли — турлича.*

Манзилимиз: 181300, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан қўрғони.
Мурожаат учун телефонлар: (8-375) 221-02-27, 221-09-04, (+998 98) 777-01-40.
Факс: (8-375) 780-85-51, 221-08-46.
E-mail: marketing9@sgcc.uz, sgcc@sgcc.uz

979R/1097



**Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиали**

**ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

**РКТАБ Самарқанд филиалининг савдолар залида 2010 йил 18 октябрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган, объект бошланғич баҳоси юқорилаб борувчи очиқ аукцион савдоларига Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2009 йил 6 февралдаги 14-09-07/17141-сонли ҳамда 14-09-07/17143-сонли ижро варақаларига асосан, суд ижрочилари Самарқанд тумани бўлими томонидан хатланган қуйидаги объектлар қайтадан қўйилмоқда:**

**1.** Самарқанд вилояти, Тайлоқ тумани, Ворсин қишлоғида жойлашган, «Тоҳирий» СИЧФга тегишли, 2 қаватли қурилиши тугалланмаган бино. Ишлаб чиқариш цехи, цемент омборхонаси, омборхона, дам олиш хоналаридан иборат. Умумий ер майдони — 0,5 гектар. Бошланғич баҳоси — 105 223 547 сўм.

**2.** «Тоҳирий» СИЧФга қарашли, Самарқанд тумани, Мулиён қишлоғида жойлашган «Тоҳирий-Мулиён» савдо умумий овқатланиш мажмуи ва ишлаб чиқариш цехи. 2000 йилда қурилган, қурилиш ер ости майдони — 2322 $м^2$, фойдали майдони — 2747,84 $м^2$. Бошланғич баҳоси — 856 632 110 сўм.

**3.** Самарқанд туманидаги «Тоҳирий ПТФ»га қарашли пиво ишлаб чиқариш технологик ускунаси. Бошланғич баҳоси — 342 477 421 сўм.

Мазкур аукцион савдосида сотилмай қолган мулкларнинг такрорий аукцион савдоси 2010 йил 8 ноябрь куни соат 11.00 да ўтказилади.

Ушбу мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили ёки биржа вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — РКТАБ Самарқанд филиалининг ОАТБ «Ҳамкорбанк» Самарқанд филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604460401001, МФО: 01030, СТИР: 206074208.

**Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 148-уй, 1-қават, 1-хона.**
**Телефон: (8-366) 234-06-38.**

921R/1151


«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 5 октябрь, сешанба куни чиқади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 903. 40002 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А–2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тогаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.15 Топширилди — 21.15 1 2 4 5